

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2021.Gr.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТЎРАЕВ ҚУВОНЧБЕК ТАГИРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ИЖТИМОЙ-ГЕОГРАФИК АСОСЛАРИ**

11.00.02 – Иқтисодий ва ижтимоий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
geographical sciences**

Тўраев Қувончбек Тагирович

Ўзбекистонда диний туризмни ривожлантиришнинг ижтимоий-географик
асослари..... 3

Тураев Қувончбек Тагирович

Общественно-географические основы развития религиозного туризма в
Узбекистане..... 21

Turaev Kuvonchbek Tagirovich

The social geographih c bases of the development of the religious tourism in
Uzbekistan 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2021.Gr.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТЎРАЕВ ҚУВОНЧБЕК ТАГИРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ИЖТИМОЙ-ГЕОГРАФИК АСОСЛАРИ**

11.00.02 – Иқтисодий ва ижтимоий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Gr65 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.samdu.uz) ҳамда “Ziyonet” ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қурбонов Шухрат Бекметович

география фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Турдимамбетов Изимбет Рахметович

география фанлари доктори

Маҳмудов Муҳаммадисмоил Мухитдинович

география фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2021.Gr.02.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «20» декабрь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Муқимий кўчаси, 45 уй. Тел.: (95) 410-20-10, факс: (0366) 239-19-36; E-mail: ik-geografiya@mail.ru Самарқанд давлат университети, Юридик факультети).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 233-60-87.

Диссертация автореферати 2022 йил “06” декабрь куни тарқатилди.
(2022 йил “02” декабрдаги 36 рақамли реестр баённомаси).

С.Б.Аббасов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Б.А.Мелиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, география фанлари бўйича (PhD)

А.Абдулқосимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда диний туризм халқаро туризмнинг энг жадал ривожланиб бораётган йўналишларидан бири ҳисобланади. Аксарият динларнинг бешиги ҳисобланган Осиё қитъаси диний туризмнинг энг йирик минтақаси сифатида эътироф этилади. Ҳисоб-китобларга кўра, дунёда йилига ўртача олти юз миллионга яқин диний туристик саёҳатлар амалга оширилиб, уларнинг ярмидан кўпи Осиёга тўғри келади. ЮНЕСКО маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг 60 фоизи бирор бир динга эътиқод қилади ва бу ҳолат халқаро ва ички диний туризмни ривожлантиришнинг катта салоҳияти мавжудлигини кўрсатади¹. Шу боис диний туризмни янада ривожлантириш жараёнида ҳудудларнинг диний туристик ресурсларини баҳолаш, уларни бирлаштирувчи махсус маршрутларини ишлаб чиқиш ва жойларда диний туризм учун зарур бўладиган инфратузилмани тизимли равишда шакллантиришни тақозо этади.

Дунёда диний туризмни ривожлантириш имкониятлари ва муаммолари, унинг ҳудудий ташкил этилишига бағишланган ижтимоий географик тадқиқотларга устувор аҳамият берилмоқда. Мазкур тадқиқотларда диний ва зиёрат туризми тушунчаларининг мазмун-моҳияти, ҳудудларнинг диний туристик ресурсларини баҳолаш, диний туризмни туризмнинг бошқа йўналишлари билан уйғунликда ривожлантириш имкониятларини асослаш, зиёратчиларни жалб қилиш учун керак бўлган инфратузилма комплексларини лойиҳалаштириш, диний туристик саёҳатларига бўлган истиқбол талабни ўрганиш ва прогнозлаштириш, диний ва зиёрат туризмнинг ҳудудлар иқтисодиётдаги тутган ўрнини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда диний ва зиёрат туризм имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва ижобий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида туристлар оқимини шакллантириш ва улар учун зарур шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари дастури”да “Ички туризм йўналишида фаолият юритувчи туроператорлар билан ҳамкорликда республиканинг барча ҳудудлари камраб олинган арзон нархлардаги ички туризм маҳсулот (турпакет) ларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни жойларда кенг тарғиб қилиш” юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган². Бу борада, жумладан, Ўзбекистонда ҳудудлардаги диний ва зиёрат туризм объектларини инвентаризация қилиш, мазкур объектларга туристлар оқимини жалб қилиш

¹ The World Tourism Organization (UNWTO) //www.e-unwto.org/doi/epdf/10.18111/9789284413805

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сон Фармони

чораларини ишлаб чиқиш, маҳаллий, миллий ва халқаро аҳамиятдаги диний туристик маршрутларни лойиҳалаш, уларнинг комплекс дастурлари ва хариталарини яратиш, жойларда диний туризмнинг ижтимоий-иқтисодий самарасини ошириш йўллари асослашга қаратилган ижтимоий географик тадқиқотларни ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризми янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сон Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги 120-сон “Муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, масжидлар ва қабристонларни ободонлаштириш ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори ҳамда ушбу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диний туризмнинг назарий масалалари, унинг ривожланиши ҳамда ҳудудий хусусиятлари кўплаб тарихчи, иқтисодчи ва географ олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, бу масалаларни хорижлик олимлардан К.Гриффин, Р.Раж, К.Гупта, С.Сингх, Б.Пфаффенбергер, Н.Ҳ.Грабурн, Д.Ҳ.Олсен, Г.Вилкинсон, М.Нилссон, М.Тесфаҳуней, М.Л.Нолан, С.Нолан, Л.Э.Худман, Р. Ҳ. Жексон, Р.Эид, В.Ванг, Ж.С.Чен, К.Хуанг, Х.Оховат каби олимларнинг тадқиқотлари бағишланган.

Шунингдек, МДҲ мамлакатлари олимлари А.В.Бабкин, Г.Н.Гужина, Т.Т.Христов, С.Р.Ердавлетов, А.И.Зырянов, Т.А.Прокопенко, С.Ю.Житенов, Д.А.Троицкий, Ю.С.Путрик, К.А.Мазин, Т.В.Бойка, П.В.Пятнов, Т.Л.Дудник, С.В.Дусуенко, В.П.Овсянников, В.Н.Якунин, Г.П.Долженко, Л.Б.Савенкова, А.Г.Низамиевларнинг илмий ишларида диний ва зиёрат туризм соҳасини ривожлантириш масалалари тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда диний туристик объектлар, хусусан муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларни ўрганишда тарих ва этнография соҳаларидаги тадқиқотчиларнинг хизматлари катта. Хусусан, Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидаги зиёратгоҳларнинг тарихий тавсифига оид тадқиқотларни А.Қ.Мўминов, Н.Абдулаҳатов, С.Джураева, А.А.Аширов, З.Абидова, Ф.Ш.Ақчаев, А.Худаёров каби тарихчи ва этнограф мутахассислар бажарган. Шу билан бирга, республикамизда диний туризми ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатлари М.Р.Болтабоев, М.Қ.Пардаев, И.С.Тухлиев, Ғ.Ҳ.Қудратов, Н.Тухлиев, Б.Н.Наврўз-Зода, Т.Абдуллаева, М.М.Муҳамедов, Д.К.Усмонова, М.Ҳошимов, А.Норчаев, Б.Х.Тўраев, Б.Ш.Сафаров

М.Т.Алиева, Ш.Р.Файзиева каби иқтисодчиларнинг илмий ишларида ёритилган.

Мамлакатимизда туризм ва рекреация географиясига оид тадқиқотлар З.Махаматиллаев, А.Зокиров, М.Хошимов, А.Юсупов, Р.Усмонова, И.Хасанов, М.Усмонов, А.Нигматов, А.Низомов, Н.Шамуратова, Б.Камолов, Ш.Якубжонова, Ш.Шомуродова, М.Маҳмудов ва бошқа географлар томонидан олиб борилган ва амалга оширилмоқда. Диний туристик объектлар, хусусан зиёратгоҳларнинг жойлашуви, минтақаларда зиёрат туризмни ривожлантириш имкониятларини баҳолашга оид масалалар Ю.И.Аҳмадалиев, Ғ.Р.Пардаев, С.И.Абдуллаев, А.Низомов, Ш.Шомуродова, М.Маҳмудовларнинг илмий ишларида ўз аксини топган. Бироқ мамлакатимиз ва унинг минтақаларида халқаро, миллий ҳамда маҳаллий аҳамиятидаги диний туристик маршрутларни ишлаб чиқиш тамойиллари, кўшни давлатлар ҳудудларини ҳам қамраб оладиган трансчегаравий диний туристик маршрутларни яратиш имкониятлари, республикамизда турли дин вакиллари учун махсус сайёҳлик маршрутларини тузиш истиқболлари, диний туристик объектлар жойлашган аҳоли манзилгоҳларидаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилашнинг илмий асослари ҳамда диний туризмни ривожлантиришга оид бошқа ижтимоий географик масалалар кам ўрганилган бўлиб, бу ҳолат мазкур диссертация ишининг илмий-амалий долзарблигини белгилаб беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг “Жанубий Ўзбекистон иқтисодиёт тармоқларини ҳудудий жойлаштириш ва ривожлантириш муаммолари” мавзусидаги (2017-2022 йй.) илмий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда диний туризмни ривожлантиришнинг ижтимоий географик асосларини ишлаб чиқиш ва республика ҳудудларидаги туризмнинг мазкур йўналишини ривожлантириш имкониятлардан оқилона фойдаланиш бўйича илмий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Диний ва зиёрат туризмнинг туризм турларининг классификациясидаги ўрнини аниқлаштириш, туризмнинг мазкур турларининг ўзаро фарқини аниқлаштириш;

диний туристик объектларни турли мезонлар асосида таснифлаш;

жаҳонда диний туризмнинг замонавий босқичдаги ривожланиш даражаси, унинг энг йирик марказлари географияси ва айрим мамлакатлар иқтисодиётидаги аҳамиятини ўрганиш;

республикамиздаги диний туристик объектларни таснифлаш ва 6 та асосий иқтисодий районлар миқёсида минтақавий диний туристик маршрутлари, уларнинг дастур ва хариталарини ишлаб чиқиш;

жойлардаги кузатиш ва социологик тадқиқотлар натижалари асосида диний туризмнинг кичик ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсирини аниқлаш;

Ўзбекистон ва қўшни давлатлар ҳудудларини қамраб оладиган ислом дини вакиллариغا мўлжалланган трансчегаравий диний туристик маршрутлари, уларнинг дастур ва хариталарини яратиш;

республикамизда ноисломий дин конфессиялари вакиллари учун диний туризмни ривожлантириш имкониятларини ўрганиш ва шу асосда махсус диний туристик маршрутларини таклиф этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистондаги диний туристик масканлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистондаги диний туристик объектларнинг таснифи, ҳудудий таркиби, улардан сайёҳликда фойдаланиш ҳолати ва истиқболлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда географик таққослаш, тизим-таркиб, тарихий, статистик, картографик, жойлардаги кузатувлар ва социологик сўровлар каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

туризм турларининг кўп мезонли (мақсади, объекти, давомийлиги, мавсумийлиги, ижтимоий мақоми ва бошқа белгиларга кўра) классификацияси таклиф қилинган, диний ва зиёрат туризмнинг ундаги ўрни ва уларнинг ўзаро муносабатлари аниқланган;

Ўзбекистондаги диний туристик объектларнинг кўп поғонали (ижтимоий-маданий ва ижтимоий-табiiй йўналишлардаги) классификацияси ишлаб чиқилган;

Ўзбекистоннинг 6 та асосий иқтисодий райони (Тошкент, Фарғона, Мирзачўл, Зарафшон, Жанубий ва Қуйи Амударё) кесимида ички зиёрат туризми ҳамда республикамиз ва қўшни давлатлар ҳудудини қамраб оладиган трансчегаравий зиёрат туризми халқа маршрутлари, уларнинг намунавий дастурлари кўп вариантли (бошланғич пунктлари бўйича) кўринишда ишлаб чиқилган ва тегишли мазмундаги туркум хариталари яратилган;

диний туристик объектлар жойлашган аҳоли пунктларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва аҳоли бандлигига зиёрат туризмнинг занжирсимон таъсири ҳамда уни белгилаб берувчи ижтимоий географик омиллар (транспорт географик ўрин, йирик шаҳарларга яқинлиги, бошқа туристик объектлар билан бирикиши, ҳудуднинг аҳоли сони ва зичлиги) назарий жиҳатдан асосланган;

Ўзбекистон ва хорижий давлатларда яшовчи ўзга дин (исломдан ташқари, хусусан, Рус православ черкови, буддизм, яҳудийлик) вакиллари учун республика ҳудудидаги диний туристик ресурслар аниқланган ва “Ўзбекистон диний бағрикенглик макони” туристик бренди остида тегишли диний туристик маршрутлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тошкент, Фарғона, Мирзачўл, Зарафшон, Жанубий ва Қуйи Амударё иқтисодий районлари миқёсидаги халқа кўринишидаги минтақавий зиёрат маршрутларининг батафсил дастурлари ва махсус хариталари ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон ва қўшни давлатлар ҳудуди бўйлаб ўтадиган трансчегаравий исломий зиёрат туризми маршрутлари ҳамда Ўзбекистон ҳудудидаги ўзга дин вакилларига мўлжалланган диний туристик маршрутларнинг батафсил дастурлари ва схематик хариталари яратилган;

диний туристик фаолиятнинг тегишли объектлар жойлашган аҳоли манзилгоҳларида аҳоли бандлиги ва турмуш даражасини оширишга қаратилган таклифлар асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқоти натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг зиёрат туризми бўлими, Ўзбекистон «Вақф» хайрия жамоат фонди, Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси, Сурхондарё вилояти туризм ва маданий мерос бошқармаси, Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти Сурхондарё вилояти бошқармаси, Рус православ черкови Тошкент ва Ўзбекистон епархиясининг зиёрат бўлими, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази маълумотларидан, шунингдек, муаллифнинг республикадаги қатор диний туристик объектларда олиб борилган шахсий кузатишлари ва социологик тадқиқотлари хулосалари асосида бажарилганлиги, шунингдек, тадқиқот доирасида яратилган дастур, харита, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси ва унинг ҳудудларида диний туризмни ривожлантиришнинг ижтимоий географик асослари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республиканинг асосий иқтисодий районлари доирасида минтақавий зиёрат туризми маршрутлари, халқаро аҳамиятга эга бўладиган республика ва қўшни мамлакатлар миқёсидаги трансчегаравий диний туристик маршрутлар, Ўзбекистон бўйича ўзга дин вакиллари учун диний туристик маршрутлар ишлаб чиқилганлиги ҳамда уларни хариталаштириш орқали республика ҳудудларида диний туризмни жадаллаштиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда диний туризмни ривожлантиришнинг ижтимоий географик асосларини ишлаб чиқиш бўйича берилган таклиф ва тавсиялар асосида:

тадқиқотда таклиф қилинган туризм турларининг кўп мезонли (мақсади, объекти, давомийлиги, мавсумийлиги, ижтимоий мақоми ва бошқа

белгиларга кўра) классификацияси, диний ва зиёрат туризми турларнинг ундаги ўрни ва уларнинг ўзаро муносабатларини аниқлаштириш юзасидан олинган хулосалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг 2021 йил 11 сентябрдаги №740/21-сон маълумотномаси). Натижада, туризм атамашунослиги йўналишида туризм турлари ва йўналишлари, туризм объектлари ва зиёрат турларини мақсадга кўра таснифлашнинг имконини берган;

иқтисодий районлар кесимида кўп вариантли кўринишда ишлаб чиқилган ички зиёрат туризми халқа маршрутлари ва уларнинг намунавий дастурлари Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 30 сентябрдаги №03-17-02/7381-сон маълумотномаси). Натижада, зиёрат саёҳатларини ташкил этиш билан шуғулланувчи тuroператорлар фаолиятини ривожлантиришга, жойларда янги зиёрат туризми маршрутларини йўлга қўйиш имкониятлари яратилган;

республикамиз ва кўшни давлатлар ҳудудини қамраб оладиган трансчегаравий зиёрат туризми халқа маршрутлари, уларнинг намунавий дастурларидан Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 30 сентябрдаги №03-17-02/7381-сон маълумотномаси). Натижада, халқаро туризм йўналишида ишлаётган тuroператорлар фаолиятини Марказий Осиё давлатлари бўйлаб ўтган зиёрат туризми маршрутлари ҳисобига янада диверсификациялаш имконини берган;

диний туристик объектлар жойлашган аҳоли пунктларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва аҳоли бандлигига зиёрат туризмнинг занжирсимон таъсири ва уни белгилаб берувчи ижтимоий географик омиллар (транспорт географик ўрин, йирик шаҳарларга яқинлиги, бошқа туристик объектлар билан бирикиши, ҳудуднинг аҳоли сони ва зичлиги)га оид назарий хулосалардан Сурхондарё вилоятидаги “Алоуддин Аттор”, “Мавлоно Муҳаммад Зоҳид”, Қашқадарё вилоятидаги “Дарвеш Муҳаммад Ваҳшиворий” зиёратгоҳлар атрофидаги ҳудудларда зиёратчиларга хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ҳудудий мажмуаларини ташкил этишни режалаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 30 сентябрдаги №03-17-02/7381-сон маълумотномаси). Натижада, маҳаллий аҳолининг бандлиги ва ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини оширишга амалий имкониятлар яратилган;

Ўзбекистон ва хорижий давлатларда яшовчи ўзга дин (исломдан ташқари, хусусан, Рус православ черкови, буддизм, яҳудийлик) вакиллари учун республика ҳудудида тадқиқотчи томонидан аниқланган диний туристик ресурслар асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон диний бағрикенглик макони” туристик бренди остидаги диний туристик маршрутлар Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт

вазирлигининг 2021 йил 30 сентябрдаги №03-17-02/7381-сон маълумотномаси). Натижада, республикада янги “Ўзбекистон диний бағрикенглик макони” туристик бренди остидаги диний туристик маршрутларини шакллантиришга имконият яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 8 таси хорижий нуфузли журналларда нашр этилган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, методлари тавсифланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Диний туризмнинг мазмун-моҳияти, турлари ва халқаро тажрибаси**” деб номланган биринчи бобида туризмнинг фаолият тури ва иктисодиёт тармоғи сифатидаги моҳияти, туризм турларининг классификацияси, диний ва зиёрат туризмнинг ундаги ўрни, диний туризм объектларни таснифлаш масалалари, шунингдек, жаҳонда диний туризм ривожланишининг умумий жиҳатлари ҳамда жаҳон ва маҳаллий динларининг зиёрат масканлари географияси таҳлил қилинган.

Туризм турлари классификацияси хорижий ва маҳаллий олимларнинг ишлари асосида таҳлил қилинган. Туризм турларининг бир нечта классификациялари кўрилиб, уларни умумлаштиришга ҳаракат қилинди. Тадқиқот давомида саёҳатнинг ҳудудий кўлами, давомийлиги, мавсумийлиги, ташкиллаштириш шакли, ижтимоий мақоми, объекти, мақсади, иштирокчилар сони ва ёши, жисмоний фаоллиги, ҳаракатланиш воситалари каби мезонлар бўйича таснифлаш умумлаштирилиб, туризм турларининг кўп мезонли интеграл классификацияси ишлаб чиқилди (1-расм).



1-расм. Туризм турларининг интеграл тизимли классификацияси

Диний ва зиёрат туризмнинг моҳияти таҳлил қилиниб, уларнинг бири-бирдан айрим жиҳатларда фарқ қилиши аниқланди. Диний туризмни ажратишнинг бош мезони унинг объекти бўлса, зиёрат туризмнинг бош белгиси унинг мақсадидан иборатдир. Мақсадига қараб, диний туризмнинг зиёрат, диний-экскурсион ва диний илмий-тадқиқот туризми каби турларини ажратиш олиш асослидир. Шундай экан, диний турист ҳар доим ҳам зиёратчи бўлавермайди.

Жаҳондаги диний туристик объектлар моҳияти бўйича икки, яъни ижтимоий-маданий ҳамда ижтимоий-табиий синфга ажратилди. Бу икки синф диний культ объектлари, дафн жойлар, диний илм ва таълим марказлари, геологик ва геоморфологик, гидрологик, биологик объектлар каби 6 та гуруҳ, улар эса бош диний марказлар, ибодатхоналар, монастырлар, мақбара ва мақбара мажмуалари, қабристонлар ва қабрлар, диний илм марказлари, диний таълим марказлари, муқаддас тоғлар, ғорлар, тошлар, дарёлар, кўллар, булоқлар, дарахтлар каби 14 та турга ажратилди.

Шуни таъкидлаш керакки, тарихан ҳар бир жаҳон ва маҳаллий динда ўзининг энг қадрланадиган зиёрат жойлари тизими шаклланди. Ушбу бобда ислом, христианлик, буддизм каби жаҳон ҳамда иудаизм, индуизм, сикхизм, конфуцийлик, даосизм ва синтоизм каби маҳаллий динларнинг энг машҳур зиёратгоҳлари ва бу динларда амал қилинадиган зиёрат анъаналари кўриб чиқилган.

Диссертациянинг “**Диний туризмнинг ижтимоий географик ўрганиш назарияси ва амалиёти**” деб номланган иккинчи бобида маданий географиянинг алоҳида йўналишлари ҳисобланадиган конфессионал ва сакрал география ҳамда ижтимоий-иқтисодий географиянинг тармоғи бўлган

туризм географиясининг диний ва зиёрат туризмини ўрганишдаги ўрни, хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистонда диний туризмни ижтимоий географик жиҳатдан ўрганиш тажрибалари таҳлил қилинган.

Конфессионал география дин ва диний оқимларнинг ҳудудий тарқалиши, унинг шаклланиши ва динамикаси, диний марказ ва ўчоқлар жойлашуви, уларнинг таъсир доираси, ҳудудлар аҳолисининг конфессионал таркиби ва унинг динамикаси, диний конфессиялараро муносабатларининг ҳудудий жиҳатларини ўрганувчи фандир. Сакрал география эса турли этник ва конфессионал гуруҳларда муқаддас деб танилган жойларни алоҳида эътиборга лойиқ маданий географик объект ва тизимлар тарихида ўрганади. Диний туризмни ижтимоий географик жиҳатдан комплекс ўрганиш жараёнида конфессионал ва сакрал географиядаги билимлардан маълум даражада фойдаланилади. Лекин ҳудудларнинг диний ва зиёрат туризми нуқтаи назардан салоҳиятини баҳолаш, ундан оқилона фойдаланиш йўллари асослаш, махсус туристик маршрутларни шакллантириш, улар доирасида зарур инфратузилма комплексларини барпо этишни асослаш, талаб ва таклиф вазиятини ўрганиш ва бошқа илмий-амалий масалаларни ечиш учун туризм географиясининг методология ва методикаси зарурдир. Демак, диний ва зиёрат туризмни ижтимоий географик жиҳатдан тадқиқ қилиш туризм географияси доирасида амалга оширилади.

Диний туризмни ривожлантириш масалалари хорижий ижтимоий-иқтисодий географиясида кўп томонлама тадқиқ қилинмоқда. Айниқса, Ҳиндистон, Исроил, Арабистон яримороли ва Жанубий Европа мамлакатлари бу жиҳатдан яхши ўрганилган. Бу ҳудудлардаги диний ва зиёрат туризмга бағишланган илмий ишларни, айниқса, диний туристик объектларнинг классификацияси, ҳудудларнинг диний туристик салоҳиятидан оқилона фойдаланиш йўллари, диний ва зиёрат туризми ҳудудий ижтимоий-иқтисодий тизимларидаги ролини очиқ бериш масалалари юзасидан ўрганиш фойдалидир. Ўзбекистонда диний ва зиёрат туризми масалалари кўпроқ Мустақиллик йилларида амалга оширилиб, асосан, тарихчи, диншунос, иқтисодчи мутахассислар томонидан тадқиқ этилмоқда. Географлардан диний ва зиёрат туризм объектларига айрим илмий ишларини Ғ. Пардаев, Ю. Ахмадалиев, С. Абдуллаев, О. Ҳакимов ва бошқа олимлар бағишлаган. Аммо ҳанузгача Ўзбекистонда диний ва зиёрат туризмини республика ва унинг алоҳида минтақалари миқёсида ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатларига бағишланган махсус ижтимоий географик тадқиқотлар бажарилмаган.

Диссертациянинг “**Ўзбекистонда диний туризмни ривожлантириш имкониятлари ва йўналишлари**” деб номланган учинчи бобида Ўзбекистондаги диний туристик объектлар, уларнинг ҳудудий таркиби ва классификацияси, республикада минтақавий зиёрат туристик йўналишларни шакллантиришнинг ижтимоий-географик асослари ҳамда диний туризмнинг кичик ҳудудлар иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти ўрганилган. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 1-июл ҳолатига берилган маълумотларига кўра,

республикамизда 1171 та зиёрат объекти мавжуд бўлиб, улардан асосий қисми, яъни 1097 таси, ислом, шунингдек, 57 таси христианлик, 9 таси буддавийлик, 8 таси яҳудийлик динларига тегишли. Худудлар кесимида қараладиган бўлса, энг кўп зиёратгоҳлар Фарғона (400 та) ва Зарафшон (279 та) иқтисодий районларида жойлашган бўлиб, бу борада, айниқса, Фарғона (182 та) ва Самарқанд (149 та) вилоятлари алоҳида ажралиб туради.



2-расм. Ўзбекистондаги диний туристик объектларнинг таснифи

Республикадаги диний ва зиёрат туристик объектлари ўз моҳияти ва келиб чиқиш хусусиятлари бўйича 2 та катта гуруҳга бўлинади: ижтимоий-маданий ва ижтимоий-табiiй объектлар. Ижтимоий-маданий объектлар, ўз навбатида, мақбара ва қабр, ибодат масканлари ҳамда диний илм масканларига бўлинади. Ушбу объектлар эса бир нечта кичик гуруҳларга таснифланади. Ижтимоий-табiiй объектлар эса сув, геологик-геоморфологик ва биологик объектларга бўлинади (2-расм).

Тадқиқот жараёнида республикамизнинг 6 та иқтисодий районининг ҳар биридаги кўпчилик диндорлар томонидан қадрланадиган зиёрат объектлари танлаб олинди. Объектлар сонини белгилашда маршрут давомийлиги 4 кундан ошмаслик шarti ҳисобга олинди. Танланган зиёратгоҳлар орасидаги масофа ва ҳаракатланиш вақти Интернетдаги www.maps.google.com сайти ёрдамида ҳисоблаб чиқилди ҳамда иқтисодий район ичидаги халқасимон маршрут ўзаги тузилди. Сўнг иқтисодий районнинг турли қисмларида жойлашган таянч шаҳарлари халқасимон маршрутнинг бошланғич ва якуний нуқталари сифатида белгиланиб, ҳар бири учун мос равишда маршрутнинг алоҳида варианты ишланди. Бунда бошланғич нуқтадан ҳаракатланиш йўналиши, объектларни кўриш кетма-кетлиги, объектдан объекtgача етиб боришга ва ҳар бир объектни зиёрат қилишга керак бўладиган вақт, овқатланиш вақти ва жойи, тунаш учун мос келадиган меҳмонхоналар мавжуд бўлган манзилгоҳлар ва уларгача етиб бориш вақти, намоз вақти ва намоз ўқиш учун қулай шароит мавжуд бўлган жой сингари омиллар ҳисобга олинди.


Натижада, ҳар бир иқтисодий район учун 2 тадан 4 тагача вариантда минтақавий халқасимон зиёрат туристик маршрутларнинг батафсил соатма-соат тарздаги тузилган дастурлари ишлаб чиқилди ҳамда дастур асосида мавзули харита яратилди (3-расм).



4-расм. Зиёратгоҳнинг маҳаллий аҳоли иқтисодий шароити ва фаолиятига таъсири

Шунингдек, мазкур бобда республикадаги қатор зиёратгоҳларида олиб борилган кузатувлар ҳамда социологик ўрганишлар асосида диний ва зиёрат туризмнинг кичик ҳудудлар (зиёратгоҳлар жойлашган аҳоли пунктлари, маҳаллалар) иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти баҳоланишга ҳаракат қилинди. Хусусан, диний ва зиёрат туризмнинг аҳоли бандлигига таъсир этишнинг занжирсимон схемаси ишлаб чиқилди (4-расм). Ушбу занжирсимон модел асосида зиёратгоҳлар жойлашган аҳоли пунктларида кичик ва оилавий тадбиркорликнинг ривожлантириш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Диссертациянинг “Ўзбекистон Республикасида халқаро диний туризмни ривожлантиришнинг ижтимоий-географик жиҳатлари” деб номланган тўртинчи бобида Ўзбекистон ва қўшни Марказий Осиё давлатларини қамраб олувчи ислом дини вакилларига мўлжалланган трансчегаравий зиёрат маршрутларини шакллантириш ҳамда Ўзбекистонда ўзга дин (ноисломий) вакиллари учун зиёрат туризмни ривожлантириш истиқболлари тадқиқ қилинган.



5-расм. Қуйи Амударё трансчегаравий минтақаси бўйлаб тузилган зиёрат туризми маршрутлари харитаси

Қўшни давлатлар ҳудудидаги зиёратгоҳлар ва уларнинг Ўзбекистондаги зиёратгоҳлар билан ягона туристик маршрутларга бириктириш имкониятлари ўрганилди ҳамда Фарғона водийси, Ўрта Сирдарё минтақаси, Зарафшон водийси, Юқори Амударё минтақаси ва Қуйи Амударё минтақаси бўйлаб 3-4-кунлик трансчегаравий халқа зиёрат туристик маршрутлари ишлаб чиқилди. Ҳар бир халқа маршрути чиқиш нуқтасига қараб бир нечта вариантда ишланди (5-расм).

Тадқиқотда республикамиздаги ноисломий диний объектлар географияси ва таркиби ўрганилиб, “Ўзбекистон – диний бағрикенглик макони” туристик бренди остида республикамиздаги ислом, христианлик, яҳудийлик ва буддавийлик объектларини бирлаштирган, туризмнинг бошқа турлари билан комплекс равишда ривожлантириш имкониятларига эга бўлган халқаро диний туристик маршрут дастури ишлаб чиқилди. Бу маршрут 7 кунга мўлжалланган бўлиб, Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро ва Хоразм вилоятларидаги турли динларга тегишли бўлган объектларни камраб олган. Маршрут Тошкентдан Урганчгача ҳамда Урганчдан Тошкентгача 2 та кўринишда тузилган.

ХУЛОСА

“Ўзбекистонда диний туризмни ривожлантиришнинг ижтимоий-географик асослари” мавзусидаги география фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация иши бўйича амалга оширилган тадқиқот натижалари кўйидаги хулосаларни чиқаришга, таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга имкон берди.

1. Илмий адабиётларда туризм турлари ҳар хил мезонлар асосида ишланган таснифларининг бир нечта кўриниши мавжуд. Муаллиф томонидан ушбу классификациянинг турли вариантлари умумлаштирилиб, туризм турларининг кўп мезонли (худудий кўлами, иштирокчилар сони, туристлар ёши, объекти, давомийлиги, мавсумийлиги, ҳаракатланиш воситаси, мақсади, ташкиллаштириш шакли, жисмоний фаоллиги, ижтимоий мақоми бўйича) таснифи таклиф қилинди. Бу классификацияда диний туризм саёҳат объектига кўра, зиёрат туризми эса, саёҳат мақсадига кўра ажратилган туризм турлари ҳисобланади. Диний туризм зиёрат туризмидан кўра бирмунча кенг соҳа бўлиб, зиёрат туризми унинг ўз мақсади билан ажралиб турадиган бир кўриниши ҳисобланади. Яъни, зиёрат туризми ҳар доим ҳам диний туризм ҳисобланса, диний туризм ҳар бир ҳолатда ҳам зиёрат туризми ҳисобланмайди, чунки диний туризмнинг экскурсион ҳамда илмий кўринишлари ҳам мавжуд.

2. Жаҳондаги диний туристик объектлар моҳияти бўйича иккита синф – ижтимоий-маданий ҳамда ижтимоий-табиий объектларга бўлинади. Ижтимоий-маданий диний туристик объектлар диний култ объектлари, дафн жойлари, диний илм ва таълим сингари гуруҳларга, ижтимоий-табиий объектлар эса геологик ва геоморфологик, гидрологик ва биологик гуруҳларга ажратилади. Диний култ объектлари гуруҳи бош диний марказлар, ибодатхоналар ва монастырлар каби турларни, дафн жойлари гуруҳи мақбара ва мақбара мажмуалари, қабристонлар ва қабрлар каби турларни, диний илм ва таълим марказлари гуруҳи эса илм ва таълим масканлари ҳисобланган объект турларини ўз ичига олади. Ижтимоий-табиий объектлардан геологик ва геоморфологик объектлар гуруҳи муқаддас тоғлар, ғорлар ва тошлар сингари турларга, гидрологик объектлар муқаддас дарёлар, кўллар ва булоқлар каби турларга бўлинса, биологик объектлар эса ҳайвонлар ва дарахтлар каби турларни ўз ичига олади.

3. Дунёдаги асосий динларнинг ҳар бирида ўзига хос зиёрат анъаналари ва объектларининг тизими тарихан шакллانган. Бу борада, айниқса, ислом, христианлик ва буддавийлик каби жаҳон динлари, шунингдек, яҳудийлик, конфуцийлик, индуизм, сикхизм, синтоизм каби маҳаллий динларнинг зиёрат маданияти анча бой ҳисобланади. Бу динларнинг ҳар бирида зиёрат объектлари иерархияси шаклланган бўлиб, ҳар йили тегишли динларнинг миллионлаб вакиллари зиёрат мақсадида ўша объектларга саёҳат қиладилар. Шу билан бирга, ушбу диний объектлар кўп ҳолларда диний экскурсион ҳамда диний илмий туризмнинг муҳим объектлари бўлиб ҳам хизмат қилади.

Натижада жаҳон туризми таркибида диний ва зиёрат туризми энг кенг кўламда ривожланиб бораётган соҳалардан бирига айланган.

4. География фанлари тизимида дин масалалари, асосан, маданий географиянинг конфессионал география ва сакрал география каби илмий йўналишлари доирасида ўрганилади. Диний туризмни ижтимоий географик жиҳатдан комплекс ўрганиш жараёнида бу иккала тадқиқот йўналишларидаги назарий-услубий ёндашув ва концепциялар, илмий тушунчалардан маълум даражада фойдаланилади. Аммо ҳудудларнинг диний ва зиёрат туризмини ривожлантириш борасидаги имкониятларни баҳолаш, улардан самарали фойдаланиш чораларини асослаш, мавзули туристик маршрутларни тузиш ва зарур инфратузилма комплексларини барпо этишни асослаш, талаб ва таклиф вазиятини ўрганиш ва бошқа илмий-амалий масалаларни ечиш учун иқтисодий география таркибидаги туризм географиясининг методология ва методикаси зарурдир. Мазкур диссертация иши кўпроқ туризм географияси илмий йўналишига мос келади.

5. Республикамиз ҳудудида, расмий манбаларга биноан, 1100 дан ортиқ зиёрат объектлари мавжуд бўлиб, улар ўзига хос географиясига эга. Хусусан, Фарғона водийси вилоятлари, Самарқанд ва Тошкент вилоятларининг бу борадаги салоҳияти энг юқори кўрсаткичлар билан ажралиб туради. Тадқиқот давомида Ўзбекистондаги диний туристик объектларнинг кўп поғонали (ижтимоий-маданий ва ижтимоий-табиий йўналишлар бўйича) классификацияси ишлаб чиқилди.

6. ArcGIS ҳамда Mapinfo дастурларидан фойдаланиб, Ўзбекистоннинг 6 та асосий иқтисодий район (Тошкент, Фарғона, Мирзачўл, Зарафшон, Жанубий ва Қуйи Амударё) миқёсида халқали кўринишдаги минтақавий зиёрат туристик маршрутлари дастур ва хариталари билан тузилди. Маршрут дастурларида ҳаракатланиш ва зиёрат қилиш вақтлари, шунингдек, овқатланиш ва тунаш ҳамда эркин вақт ҳисобга олиниб, 2-3-4-кунлик давомийлигига мўлжалланиб тузилган. Ҳар бир халқали маршрут бошланиш нуқтасига қараб, бир нечта вариантда ишланди ва уларнинг ҳар бири учун дастур батафсил равишда ишлаб чиқилди.

7. Ўзбекистондаги қатор зиёрат марказларида диссертант томонидан олиб борилган кузатишлар ҳамда ижтимоий сўровномаларнинг таҳлили натижасида зиёрат объектлари жойлашган аҳоли пунктлар ва маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва аҳоли бандлигига зиёрат туризмнинг занжирсимон таъсири механизми ва уни белгилаб берувчи ижтимоий географик омиллар (транспорт географик ўрин, йирик шаҳарларга яқинлиги, бошқа туристик объектлар билан бирикиши, ҳудуднинг аҳоли сони ва зичлиги) ни бирлаштирган назарий модел ишлаб чиқилди. Бу модел асосида кичик ҳудудлар иқтисодиётида кичик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида зиёратгоҳлар атрофидаги жойларда зиёратчиларга хизмат кўрсатиш шаҳобчаларининг ҳудудий мажмуаларини ташкил этиш юзасидан таклифлар илгари сурилди.

8. Республикамиз ва қўшни Марказий Осиё давлатларининг айрим ҳудудларини қамраб олган трансчегаравий минтақалар (Қуйи Амударё,

Юқори Амударё, Зарафшон, Ўрта Сирдарё ҳавзалари ва Фарғона водийси) бўйлаб зиёрат туризмини ривожлантиришнинг улкан имкониятлари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, диссертант томонидан мазкур тадқиқот жараёнида юқорида санаб ўтилган трансчегаравий ҳудудлар учун зиёрат туристик халқа маршрутлари, уларнинг намунавий дастурлари ҳамда хариталари ишлаб чиқилди.

9. Тадқиқот жараёнида ўзга дин (исломдан ташқари, хусусан, Рус православ черкови, буддизм, яҳудийлик) вакиллари учун аҳамиятли бўлган Ўзбекистон ҳудудларидаги диний туристик ресурслари аниқланди ҳамда янги, муаллиф томонидан таклиф қилинаётган “Ўзбекистон – диний бағрикенглик макони” туристик бренди остида Тошкент-Урганч ва тесқари, яъни Урганч-Тошкент йўналишларидаги 7 кунга мўлжалланган икки вариантли халқаро диний туристик маршрутнинг батафсил дастури ишлаб чиқилди. Бу ишланмалардан амалиётда фойдаланиш республикамизда диний туризми ривожлантириш кўламини янада кенгайтишига хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2021.Gr.02.07 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИМЕНИ ШАРОФА
РАШИДОВА**

Т Е Р М Е З С К И Й Г О С У Д А Р С Т В Е Н Н Ы Й У Н И В Е Р С И Т Е Т

ТУРАЕВ КУВОНЧБЕК ТАГИРОВИЧ

**ОБЩЕСТВЕННО-ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ
РЕЛИГИОЗНОГО ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ**

11.00.02 – Экономическая и социальная география

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2020.2.PhD/Gr65.

Диссертация выполнена в Термезском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Курбанов Шухрат Бекметович доктор философии (PhD) по географическим наукам, доцент
Официальные оппоненты:	Турдымамбетов Изимбет Рахметович доктор географических наук, доцент Махмудов Мухаммадисмоил Мухитдинович доктор философии (PhD) по географическим наукам
Ведущая организация:	Наманганский государственный университет

Защита диссертации состоится «20» декабря 2022 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2021.Gr.02.07 при Самаркандском государственном университете имени Шарофа Рашидова (Адрес: 140104, г. Самарканд, улица Муками, дом 45. Тел.: (95) 410-20-10, факс: (0366) 239-19-36; E- почта: ik-geografiya@mail.ru, Юридический факультет Самаркандского государственного университета).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (регистрационный номер № ____). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, 15. Телефон: (+99866) 233-60-87.

Автореферат диссертации разослан 06 декабря 2022 г.
(Протокол рассылки № 36 от «02» декабря 2022 г.).

С.Б. Аббасов

Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.г.н., профессор

Б.А. Мелиев

Учёный секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор философии (PhD) по географическим наукам

А. Абдулкасимов

Председатель Научного семинара
при Научном совете, д.г.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Религиозный туризм является одним из наиболее динамично развивающихся направлений международного туризма в мире. Азиатский континент, считающийся колыбелью большинства религий, признан крупнейшим регионом религиозного туризма. По оценкам, ежегодно в мире совершается в среднем около шестисот миллионов религиозно-туристических поездок, причем бол половины из них приходится на Азию. По данным ЮНЕСКО, 60 процентов населения земного шара исповедуют ту или иную религию, и это обстоятельство показывает, что существует большой потенциал для развития международного и внутреннего религиозного туризма³. Поэтому в процессе дальнейшего развития религиозного туризма необходимо проводить оценку религиозно-туристских ресурсов регионов, разрабатывать связывающие их специальные маршруты, планомерно формировать необходимую инфраструктуру религиозного туризма.

В мире приоритетное внимание уделяется общественно-географическим исследованиям, посвящённым возможностям и проблемам развития религиозного туризма, его территориальной организации. В этих исследованиях особое внимание уделяется сущности понятий религиозного и паломнического туризма, оценке религиозно-туристских ресурсов регионов, обоснованию возможностей развития религиозного туризма в сочетании с другими направлениями туризма, проектированию инфраструктурных комплексов, необходимых для привлечения паломников, изучению и прогнозу перспективного спроса на религиозные туры, анализу места религиозного и паломнического туризма в экономике территорий.

В нашей республике реализуется ряд мер по эффективному использованию возможностей развития религиозного и паломнического туризма и достигнуты определённые положительные результаты. В «Программе мер по формированию туристского потока и созданию для туристов необходимых условий в Республике Узбекистан», утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан № УП-6165 «О мерах по дальнейшему развитию внутреннего и паломнического туризма в Республике Узбекистан» от 9 февраля 2021 года, определены важные задачи по «Разработке в сотрудничестве с туроператорами, осуществляющими деятельность по направлению внутреннего туризма, продуктов (турпакетов) внутреннего туризма по доступным ценам, охватывающих все регионы страны и широкое их продвижение на местах»⁴. В связи с этим, в частности, большое значение приобретают общественно-географические исследования, направленные на инвентаризацию объектов религиозного и паломнического туризма в регионах Узбекистана, разработку мероприятий по привлечению

³ The World Tourism Organization (UNWTO) //www.e-unwto.org/doi/epdf/10.18111/9789284413805

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-6165 «О мерах по дальнейшему развитию внутреннего и паломнического туризма в Республике Узбекистан» от 9 февраля 2021 года

туристского потока в направлении этих объектов, проектирование религиозно-туристских маршрутов местного, национального и международного значения, создание их комплексных программ и карт, обоснованию путей повышения социально-экономического эффекта от религиозного туризма.

Диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-5326 «О дополнительных организационных мерах по созданию благоприятных условий для развития туристского потенциала Республики Узбекистан» от 3 февраля 2018 года, № УП-6165 «О мерах по дальнейшему развитию внутреннего и паломнического туризма в Республике Узбекистан» от 9 февраля 2021 года, Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 120 «Об эффективной организации работ по благоустройству святых мест, мест паломничества, мечетей и кладбищ» от 15 февраля 2018 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Теоретические вопросы религиозного туризма, его развитие и территориальные особенности изучались многими историками, экономистами и географами. В частности, этим вопросам посвящены исследования таких зарубежных ученых, как К. Гриффин, Р. Радж, К. Гупта, С. Сингх, Б. Пфаффенбергер, Н.Х. Граберн, Д.Х. Олсен, Г. Уилкинсон, М. Нильссон, М. Тесфахуней, М.Л. Нолан, С. Нолан, Л.Э. Худман, Р. Джексон, Р. Эйд, В. Ван, Дж.С. Чен, К. Хуанг, Х. Оховат.

Также в работах ученых из стран СНГ, таких как А.В.Бабкин, Г.Н.Гужина, Т.Т.Христов, С.Р.Ердавлетов, А.И.Зырянов, Т.А.Прокопенко, С.Ю.Житенов, Д.А.Троицкий, Ю.С.Путрик, К.А.Мазин, Т.В.Бойка, П.В.Пятнов, Т.Л. Дудник, С.В.Дусуенко, В.П.Овсянников, В.Н.Якунин, Г.П.Долженко, Л.Б.Савенкова, А.Г.Низамиев, исследуются вопросы развития религиозного и паломнического туризма.

Велики заслуги исследователей в области истории и этнографии в изучении объектов религиозного туризма Узбекистана. В частности, историками и этнографами, такими как А.К.Муминов, Н.Абдулахатов, С.Джураева, А.А.Аширов, З.Абидова, Ф.Ш.Акчаев, А.Худаёров, были проведены исследования по историческому описанию святых в различных регионах Узбекистана. Вместе с тем, организационно-экономические аспекты развития религиозного туризма в республике рассмотрены в работах таких экономистов, как М.П. Болтабоев, М.К. Пардаев, И.С. Тухлиев, Г.Х.

Кудратов, Н. Тухлиев, Б.Н. Навруз-Зода, Т. Абдуллаева, М.М. Мухамедов, Д.К. Усманова, М. Хошимов, А. Норчаев, Б.Х. Тураев, Б.Ш. Сафаров, М.Т. Алиева, Ш.Р.Файзиева.

В нашей стране исследования по географии туризма и рекреации проводились и проводятся З. Махаматиллаевым, А. Закировым, М. Хошимовым, А. Юсуповым, Р. Усмоновой, И. Хасановым, М. Усмоновым, А. Нигматовым, А. Низомовым, Н. Шамуратовой, Б. Камоловым, Ш. Якубжоновой, Ш. Шомуродовой, М. Махмудовым и другими географами. Вопросы, связанные с размещением объектов религиозного туризма, в частности мест паломничества, и оценкой возможностей развития паломнического туризма в регионах, нашли отражение в научных трудах Ю.И. Ахмадалиева, Г.Р. Пардаева, С.И.Абдуллаева, А. Низомова, Ш. Шомуродовой, М. Махмудова. Однако принципы разработки религиозно-туристских маршрутов международного, республиканского и местного значения в нашей стране и ее регионах, возможности создания трансграничных религиозно-туристских маршрутов, охватывающих территории сопредельных государств, перспективы создания специальных туристических маршрутов для представителей различных конфессий в нашей республике, научные основы улучшения социально-экономической ситуации в населённых пунктах, где расположены объекты религиозного туризма, и другие общественно-географические вопросы, связанные с развитием религиозного туризма, мало изучены, что определяет научно-практическую актуальность данной диссертационной работы.

